

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАБИЙ ШАРОИТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

Пайзиева Мадина Улуғбек қизи

payziyevamadina12@gmail.com

Джалилова Шаҳноза Зиёдулла қизи

shahnozziyodullayevna@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7192680>

Дунё бўйича тарқалаётган касалликлар ҳамда уларни пайдо қилувчи омилларни тадқиқи қилиш муҳим аҳамиятга эга. Боиси, бугунги кунда, мамлакатларнинг салоҳиятини белгилаб берувчи кўрсаткичлардан бири, аҳоли саломатлигидир. Ер юзида тарқалаётган касалликларнинг географик хусусиятларини ўрганиш, тарқалиш кўламини ва омилларини тўғри баҳолаш, ушбу касалликларга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади. Аҳоли орасида тарқалган касалликларни тарқалиши ҳудуднинг жойлашган географик ўрни ва табиий шароити алоҳида аҳамиятга эга.

Сирдаё вилоятидаги асосий табиий геогарфик хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳудудининг географик ўрни $40^{\circ}25'$ шимолий кенглик ва $68^{\circ}40'$ шарқий узунликда жойлашган;
2. Ҳудуднинг океандан узоқлиги 1000 км эканлиги иқлимни шаклланишини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир;
3. Сирдарё вилояти Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Сирдарёнинг чап қирғоғидан бошланувчи Мирзачўлнинг каттагина майдонни эгаллаган.

Иқлим шароитининг аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганиш табиий муҳитнинг тиббий-географик хусусиятларининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Турли даврларда Русанов В.И, Башалханова Л.Б, Логинов В.Ф, Исаев А.А, Арқҳипова И.В ва бошқалар иқлимнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганишди [3]. Иқлим шароитлари орасида Сирдарё вилоятида аҳоли орасида касалликларни тарқалишига таъсир этувчи омиллар сифатида сувнинг геокиёвий таркиби кучли шамол кунлар сони, январ ва июл ойларида шамол тезлиги, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати, январ ва июл ўртача ҳарорат, юқори намлик қайд этилган кунлар сони, ёмғирли кунлар сони, булутли кунлар сони, қишда об-ҳавонинг қаттиқлиги, атмосфера қурғоқчилиги кунлари сони иқлим шароитларининг аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганиш табиий муҳитнинг тиббий ва географик хусусиятларининг энг муҳим таркибий

қисмларидан биридир. Арқхипова И.В ишида Олтой ўлкасининг иқлимий қулайликлари ва алоҳида иқлим шароитларининг тахминий кўрсаткичлари келтирилган. Об-ҳавонинг қаттиқлигини баҳолаш услубига кўра, $\geq 3,5$ қаттиқлик кўрсаткичи бўлган иқлим шароитлари "қаттиқ" (Арқхипова, 2006) дея тавсифланади.[3]. Биоклиматология бўйича совуқ мавсумда одамнинг иссиқлик ҳолати асосан паст ҳаво ҳарорати ва ўртача шамол тезлиги билан белгиланади. Бу омиллар таҳлилий натижасидан тананинг ҳимояланмаган қисмларининг совиши, нафас олиш органлари касалликлари, инсулт каби касалликларни ривожланишига олиб келади ҳамда соҳилбўйи ҳудудларда нисбий намлик ва совуқ ҳарорат турли стресс ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Об-ҳавонинг қаттиқлик даражаси ўрганилади ва турли усуллар ёрдамида аниқланади. Булар орасида энг кенг кўп қўлланиладиган усул Бодман усули бўлиб, об-ҳавонинг қаттиқлик даражаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S = (1 - 0,04 * t) * (1 + 0,272 * v)$$

бу ерда S-қаттиқлик кўрсаткичи, балл

t-ҳаво ҳарорати

v- ўртача шамол тезлиги

Бодман формуласига кўра, $S < 1$, бўлса қиш қаттиқ эмас, юмшоқ; 1-2 паст қаттиқликдаги қиш; 2-3 ўртача қаттиқ; 3-4 қаттиқ; 5-6 жуда қаттиқ; 6 юқори қаттиқлик баллари орқали ифодаланади[2].

Сирдарё вилоятида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, ҳудудда об ҳаво қаттиқлик даражасига кўра, иккита нозоиқлимий округка ажаралади. Булар:

1. Жанубий-ғарбий округ-Янгиер, Гулистон, Ширин шаҳарлари ҳамда Ховос, Гулистон ва Боёвут маъмурий бирликлари жамланган нозоиқлимий ўлка. Бу ҳудудда об ҳавонинг қаттиқлик даражаси энг юқори p-5.59 га тенг бўлди ва бу балл Бодман усулига кўра қишнинг бу округда жуда қаттиқ эканлини кўрсатади. Бу ўлкада январ ойининг энг паст кунлик ҳарорати -5.7 градус, июл ойининг ўртача ҳарорати +29.3 градус С, шамолнинг ўртача тезлиги 17-20 м/с энг юқори тезлик 30-35 м/с ни ҳавонинг ўртача нисбий намлиги 40-55% ни ташкил этади. Бундай иқлимий табиий шароитда айнан шу ҳудудларда яшовчи аҳоли орасида энг кўп учривчи касаллик турлари қон босими, нафас олиш азолари касаликлари, жумладан бронхит, сурункали ва аниқланмаган бронхит, эмфизема, бодомсимон безлар ва аденоид сурункали касалликлар улуши юқори эканлиги билан ажралиб туради.

1. Шимолий-шарқий округ-Сирдарё метеорологик станцияси ҳудудига тегишли Сирдарё, Сайхунобод, Оқолтин, Сардоба, Мирзаобод туманларини

ўз ичига олади. Бу округнинг об-ҳаво қаттиқлик кўрсаткичи Бодман формуласига асосланган ҳолда энг юқори р-3.4 кўрсаткич билан баҳоланди. Бу балл Шимолий-шарқий ҳудудларда қишнинг қаттиқ ўтишини баҳолаб беради. Округ ҳудудида январ ойида энг совуқ ҳарорат -5.8, июл ойида +28.9 градусни ташкил этади. Шамол тезлиги ўртача йиллик 18 м/с, йиллик ҳароратлар йиғиндиси эса 14.6 градусга тенг,

Демак, Сирдарё вилоятидаги фасллардаги барқарор иқлимий хусусиятлар аҳоли орасида юқоридаги касаллик турларини кенг тарқалишига имкон яратувчи бўлиб хизмат қилади. Бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларини барпо этишда географик хусусиятларни инобатга олиш кераклидан далолат беради.

REFERENCES

1. Комилова Н. Қ. Тиббиёт географияси. Ўқув услубий мажмуа. Т-2021
2. Ромахин Е.И. Оценка климатических факторов формирующие рекреационные ресурсы. Санкт-Петербург -2019
3. Шкуринский Бронислав Викторович . Медико-географическая ситуация в Западно-Казахстанской области. Диссертация. Пермь – 2014